

## **5-МАВЗУ. ИСТЕЬМОЛЧИ ХУЛҚ-АТВОРИ**

- 1. Нафлилик назариясининг асосий қоидалари**
- 2. Нафлик функцияси, умумий нафлилик ва чекли нафлилик**
- 3. Бефарқлик чизиги ва неъматларни чекли алмаштириш нормаси**
- 4. Бюджет чизиги ва бюджет чегараси**
- 5. Истеъмолчи танлови масаласи ва уни графикдаги таҳлили**
- 6. Истеъмолчининг мувозанатлик шарти**

*Тайёрлади: и.ф.д., проф. Ш. Мустафакулов*

## Истеъмол назарияси қуидаги постулаталарга асосланади:

1. **Истеъмолчилар барча неъматларни классификация қиласи ва бир-бири билан солишири олади.**
2. **Истеъмолчи хоши транзитивдир.** Агар истеъмолчи А мажмуани В га нисбатан кўпроқ хохласа (афзал кўрса) ва В мажмуани С мажмуудан кўра афзал кўрса, унда у А мажмуани С мажмууга нисбатан кўпроқ хохлаган бўлади, яъни:  
$$A > B; \quad B > C; \Rightarrow A > C$$
3. **Тўйинмаслик.** Истеъмолчи ҳар доим неъматнинг кўпроқ қисмини камроқ қисмидан афзал кўради.

## **Неъматнинг нархи, унинг умумий нафлигига эмас, балки чекли нафлилиги билан белгиланади.**

Демак, нафлик функцияси, нафлик даражасини истеъмол қилинган неъматлар ҳажмига боғлиқлигини ифодалайди:

$$U = f(x_1, x_2, \dots, x_n)$$

**бу ерда,  $U$ - нафлик даражаси;  
 $x_1, x_2, \dots, x_n$  - 1, 2, ...,  $n$  - неъматлар ҳажми.**


**Чекли нафлик** - бу нафлик функциясидан бирор бир неъмат ўзгарувчиси бўйича олинган хусусий ҳосиласидир.

$$MU_i = \frac{\partial U}{\partial X_i}$$


**бу ерда  $X_i$  - i-неъмат миқдори;**  
 **$MU_i$  -i -неъматнинг чекли нафлиги**

Бирор-бир неъматдан ҳар бирлик қўшимча истеъмол (бошқа неъматлар истеъмоли ҳажми ўзгармаганда) олдингисига нисбатан камроқ наф беради. Неъматнинг бу хусусиятига **чекли нафликнинг камайиши қонуни** дейилади.

**Талабни аниқлашнинг асосида чекли нафликнинг камайиш қонуни ётади.** Маълумки, истеъмолчи учун неъматнинг чекли нафлиги камайиб боради ва ишлаб чиқарувчилар қўшимча бирлик маҳсулот сотишлари учун неъмат нархини пасайтиришлари керак бўлади.




**Бефарқлик әгри чизиги** - бу истеъмолчи учун бир хил наф берувчи неъматлар комбинациясини ифодалайди.



| Истеъмол саватчаси | Озиқ-овқат бирлиги | Кийим-кечак бирлиги |
|--------------------|--------------------|---------------------|
| A                  | 20                 | 30                  |
| B                  | 10                 | 50                  |
| C                  | 40                 | 20                  |
| D                  | 30                 | 40                  |
| E                  | 10                 | 20                  |
| G                  | 10                 | 40                  |


**Бефарқлик әгри чизиклар мажмуаси бефарқлик әгри чизиклари картасини беради.**



Мавжуд ҳузур-халоватдан шундай фойдалангынки, келгусида бўладиган ҳузур-халоватга зарари төгмасин. **СЕНЕКА**

**Чекли алмаштириш нормаси.** Бефарқлик эгри чизигининг пастга томон ётиқлиги  $X_2$  неъматни  $X_1$  неъмат билан чекли алмаштириш нормасини ифодалайди. Чекли алмаштириш нормаси одатда  $MRS_{X_1, X_2}$  билан ифодаланади.

Чекли алмаштириш нормаси  $MRS_{X_1, X_2}$  нинг микдори горизонтал ўқ бўйича ифодаланган  $X_1$  неъматнинг бир бирлиги учун, вертикал ўқ бўйича ифодаланган  $X_2$  неъматнинг қанча микдоридан воз кечиш мумкинлигини кўрсатади.



Нафлик функциясидан  $U(X_1, X_2)$  түлиқ дифференциал олсак:

$$\Delta \delta = \frac{\partial U}{\partial X_1} \cdot \Delta X_1 + \frac{\partial U}{\partial X_2} \cdot \Delta X_2$$

$$MU_{X_1} = \frac{\partial U}{\partial X_1}$$

$$MRS_{X_1, X_2} = \frac{MU_{X_1}}{MU_{X_2}} = -\frac{\Delta X_2}{\Delta X_1},$$

$$MU_{X_2} = \frac{\partial U}{\partial X_2}$$

Демак, иккинчи неъматни биринчи неъмат билан бефарқлик эгри чизигининг ҳар бир нұқтасидаги **чекли алмаштириш нормаси MRS, неъматларнинг шу нұқтадаги чекли нафликлари нисбатига тенг.**


Бюджет чегарасини иккита неъмат мисолида кўрадиган бўлсак, агар истеъмолчи даромади  $I$  бўлса,  $X_1$  ва  $X_2$  лар биринчи ва иккинчи неъматлар микдори,  $P_1$  ва  $P_2$  лар мос равишда, биринчи ва иккинчи неъматларнинг нархлари бўлса, бюджет чегараси берилган даромад ва нархларда истеъмолчи томонидан сотиб олиниши мумкин бўлган **биринчи ва иккинчи неъматларнинг барча комбинацияларини ифодалайди.**

**Бюджет чегарасини қўйидагича ёзиш мумкин:**

$$P_1 X_1 + P_2 X_2 \leq I$$

Бу тенгсизлик товарларга сарфланадиган харажатлар йиғиндиси, истеъмолчи даромадидан ошмаслигини билдиради.

## Истеъмолчининг товарларни сотиб олиши мумкин бўлган соҳаси



Бюджет чегараси тенгламаси графикда **АВ** чизигини беради ва бу чизикка **бюджет чизиги** дейилади.

## Бюджет чизифи қуйидаги тартибда аниқланади:

$$X_2 = \frac{I}{P_2} - \frac{P_1}{P_2} \cdot X_1$$

Бюджет чизигининг манфий ётиқлиги, абсолют қиймати бўйича товарлар нисбати  $P_1/P_2$  га тенг. Бу катталик  $\operatorname{tg}\alpha$  бўлиб,

$$\operatorname{tg}\alpha = -\frac{\frac{I}{P_2}}{\frac{I}{P_1}}$$


ёки

$$\operatorname{tg}\alpha = -\frac{P_1}{P_2}$$
$$\frac{dX_2}{dX_1} = -\frac{P_1}{P_2} = \operatorname{tg}\alpha$$

$P_1/P_2$  катталик истеъмолчининг  $X_1$  товардан қўшимча бир бирлик сотиб олиши учун қанча  $X_2$  товардан воз кечиш мумкинлигини кўрсатади.

Куз йўлига бир назар ташланг: ҳозиргина ундаги хазонларни супуриб ташлашди, у эса яна қуриган барглар билан қопланди. **Франц Кафка**

## Истеъмолчининг танлов масаласи



Эшиитдим – унутдим. Кўрдим – эслаб қолдим. Бажардим – тушундим. Конфуций

## Истеъмолчининг оптимал (мувозанат) нуқтасида бефарқлик эгри чизиғи бюджет чизиғига тегади

$$MRS_{X_1 X_2} = \frac{P_1}{P_2} \quad \text{(A)}$$

Бу тенглик шуни кўрсатадики, бефарқлик эгри чизиғи ётиқлиги ( $MRS$ ) бюджет чизиғи ётиқлиги  $P_1/P_2$  га тенг. Юқорида, бошқа томондан биринчи неъмат билан иккинчи неъматни бефарқлик эгри чизигининг ҳар бир нуқтасидаги чекли алмаштириш нормаси, неъматларнинг шу нуқтадаги чекли нафликлари нисбатига тенг эканлигини аниқлаган эдик:

$$MRS_{X_1 X_2} = \frac{MU_{X_1}}{MU_{X_2}} \quad \text{(B)}$$

(A) ва (B) формулалардан истеъмолчининг мувозанатлик шарти қуийдагича ёзилиши мумкин:

$$MRS_{X_1 X_2} = \frac{MU_{X_1}}{MU_{X_2}} = \frac{P_1}{P_2} \quad \text{ёки} \quad \frac{MU_{X_1}}{P_1} = \frac{MU_{X_2}}{P_2}$$

*Мувозанатлик шартига кўра, неъматлар нархи, уларнинг чекли нафлигига тўгри пропорционал. Демак, неъматнинг чекли нафлиги қанча юқори бўлса, унинг нархи шунча юқори бўлади.*

Иккита неъмат бўлганда, истеъмолчи ўз нафлигини максималлаштиради, қачонки қўйидаги икки шарт бажарилса:

- Биринчиси, неъматлар учун *MRS*, уларнинг нархлари нисбатига teng бўлса, яъни мувозанатлик шарти бажарилса.
- Иккинчиси, истеъмолчининг даромади тўлиқ сарфланса.

Агар *MRS* ҳар доим нархлар нисбатидан юқори ёки пастда бўлса, у ҳолда истеъмолчи ўз нафлигини фақат битта товар сотиб олиш билан максималлаштиради.

## **ИККИТА НЕЪМАТ УЧУН ҚУЙИДАГИ ИСТЕЪМОЛЧИ ТАНЛОВИ МАСАЛАСИНИ ҚАРАБ ЧИҚАМИЗ**

$$U(X_1, X_2) = X_1 \cdot X_2 \rightarrow \max$$

$$P_1 X_1 + P_2 X_2 = I$$

**Оптималлик шартидан:**

$$\frac{\partial U}{\partial X_1} = MU_1 = X_2 , \quad \frac{\partial U}{\partial X_2} = MU_2 = X_1$$

$$\frac{X_2}{X_1} = \frac{P_1}{P_2}$$

**Юқоридаги муносабатдан неъматларга сарфланадиган маблағлар teng бўлиши керак:**

$$X_2 \cdot P_2 = X_1 \cdot P_1$$

$$X_2 = \frac{P_1}{P_2} \cdot X_1$$

Бу муносабатни бюджет чизиги тенгламасига қўямиз:

$$P_1 X_1 + P_2 \cdot \frac{P_1}{P_2} \cdot X_1 = I$$

$$X_2 = \frac{I}{2 \cdot P_2}$$

$$X_1 = \frac{I}{2 \cdot P_1}$$

# Уйга вазифа

Истеъмолчининг бир кунлик даромади I (маблағи) **20000** сўмга тенг. У ушбу пул маблағига банан ва олма харид қилмоқчи. Истеъмолчининг иккита неъматни истеъмол қилишдан оладиган нафлик функцияси қуийдагичадир:

$$U=2X_b^*X_o$$

1 кг бананинг нархи  $P_b=3200$  сўм,  
1 кг олманинг нархи  $P_o=700$  сўм.

**Истеъмолчи олма ва банандан неча кг харид қилса,  
ўз нафлилигини максимал қондирган бўлади?**

ЭЪТИБОРЛАРИНГИЗ УЧУН  
РАҲМАТ!